

**Ширинова Феруза Атхамовна,**

Тошкент фармацевтика институти "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси катта ўқитувчи

# ТИББИЁТ-ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

УДК: 378.147:004

---

## **ШИРИНОВА Ф.А. ТИББИЁТ-ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ**

Ушбу мақолада олий таълим талабаларининг мустақил фаолиятини ташкиллаштиришда педагогик шароитларни инобатга олган ҳолда инновацион муҳитни яратиш билан таълим самарадорлигининг ошиши ва талабаларнинг чет тили ўрганишларига инновацион ёндашиш муҳокама қилинди.

Тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабалари инглиз тилини ўрганишдаги мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда масофавий таълим асосий восита сифатида хизмат қилади.

Таянч сўз ва тушунчалар: масофавий таълим, мустақил ўқув-билув фаолият, узлуксиз таълим, интенсив ишлаш, индивидуаллашган ёндашув, Moodle масофавий таълим тизими.

---

## **ШИРИНОВА Ф.А. РОЛЬ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В САМОСТОЯТЕЛЬНОМ ИЗУЧЕНИИ АНГЛИЙКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТОВ МЕДИКО- ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ**

В данной статье обсуждается необходимость повышения эффективности образования путем создания инновационной среды, с учетом педагогических условий организации самостоятельной деятельности студентов высших учебных заведений и инновационного подхода к изучению иностранных языков у студентов.

Дистанционное обучение служит ключевым инструментом в развитии самостоятельной учебной деятельности студентов медико-фармацевтического направления при изучении области английского языка.

Ключевые слова и понятия: дистанционное обучение, самостоятельная учебная деятельность, непрерывное образование, интенсивная работа, индивидуальный подход, Moodle система дистанционного обучения.

**SHIRINOVA F.A. THE ROLE OF DISTANCE EDUCATION FOR MEDICAL - PHARMACEUTICAL STUDENTS' LEARNING ENGLISH AUTONOMOUSLY**

In the article is described some samples of students' autonomous English learning, the necessity of the pedagogical circumstance's creation. There is also discussed educational efficiency and motivation of the English learning students with forming innovative atmosphere regarding to their profession.

Distance learning plays an important role to improve learning English autonomously for the medical and pharmaceutical students.

Key words and concepts: distance teaching, autonomous learning, continuing education, intensive working, individual approach, Moodle distance teaching system.

**Кириш.** Бугунги замонавий жамият интеллектуал бойликнинг асоси ҳисобланадиган "инсон капитали" учун чет тилларини эркин билиш, чет тилларини ўзлаштириш ижтимоий заруратга айланди. Инсон Капитали (Human Capital)<sup>1</sup> - инсон ва жамият манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар йиғиндиси бўлиб, бунинг таркибига чет тилларида эркин сўзлаш ҳам киритилади.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар таълим-тарбия жараёнларини бошқарув механизмларини такомиллаштиришни, яъни таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва замон талабларига мослаш, мамлакат таълим стратегиясининг миллий модели билан уйғунлаштириш каби лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, талаба-ёшларни рақобатбардош мутахассислар сифатида мамлакат иқтисодиётини ўстиришга мақсадли тайёрлаш бугунги куннинг асосий талабидир.

Хусусан, халқаро тиллардан бирини мулоқот даражасида эгаллаш, оғзаки ва ёзма нутқни ўқув дастури талаблари доирасида тушуниш, ўз фикрини чет тилида баён этишга билим ва малакаларни эгаллаш бугунги кунда ҳар қандай касбий фаолиятида асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шу боис, бўлажак кадрлар жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдалана олишлари, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришлари учун ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятларни яра-

тиб бериш бугунги кунда олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Тил ўқитишга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида, хусусан, тиббиёт-фармацевтика йўналишида чет тилини ҳам мулоқот тили сифатида, ҳам касбий-соҳавий тил сифатида ўргатилиши глобал меҳнат бозорига йўлланма олишларида энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда чет тилларини нафақат ўзаро мулоқот тили сифатида ўрганиш, балки, соҳавий ва касбий ривожланишнинг муҳим омили сифатида ҳам билиш лозим. Хусусан, инглиз тили бўйича 2016 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Британия Кенгаши, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ва республика илмий-амалий инновацион-ривожлантириш маркази ҳамкорлигида нофилологик мутахассисликларини тайёрловчи олий таълим муассасалари талабаларига соҳавий инглиз тилини ўқитиш юзасидан "EnSPIRe-U"<sup>2</sup> лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг мақсади инглиз тилини махсус мақсадларда ўрганувчилар учун замонавий ёндашувлар, янги ўқув дастури, ўқув режалари, ўқув материаллари, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиш эди.

Лойиҳада Буюк Британиядан масофавий таълим бўйича мутахассис-консультант профессор Жефри Стенфорд, тилшунослик бўйича мутахассис-консультант профессор Род Болайто ва нофилологик таълим йўналишларидан 31та олий таълим муассасаларидан педагог ходимлар иштирок этдилар. Лойиҳани амалга ошириш жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари профес-

<sup>1</sup> <https://tashkenttimes.uz/finances/3020-uzbekistan-joins-27-other-countries-to-support-human-capital-project>

<sup>2</sup> <https://www.britishcouncil.uz/english/specific/purposes>  
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2021, 1 (98)

сорлари билан ҳамкорликда ишлаш, инглиз тилини ўқитишда янги замонавий ёндашувларни йўлга қўйиш имконини берди.

Мамлакатимиздаги нофилологик олий таълим муассасаларида инглиз тилини билиш даражаси турлича бўлган талабаларнинг таҳсил олиши дарсларни дифференциаллашган, индивидуаллашган таълим принципларига асосланиб ташкил қилиш, талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятига ҳам шундай ёндашишни тақозо этади. Бундай вазиятда педагог талабалар даражаларини узлуксиз ва интенсив ишлаш орқали тенглаштира олади, бунда эса масофавий таълим воситалари қўл келади. Индивидуаллашган ёндашув юзасидан С.А.Муханов фикрича, "индивидуаллаштириш талабага муайян курсни ўрганиш учун ўз йўлини танлаш имкониятини бера олиш мумкинлигида намоён бўлади"<sup>1</sup>.

Е.В.Панишева эса бу жараёнда масофавий таълимнинг ўрни ҳақида: "ўқув жараёни субъектларининг интернет тармоқларидаги ўзаро ҳамкорлиги замонавий интернет шаклларида фойдаланиши уларнинг фаоллигини оширишга ёрдам беради, деб фикрни илгари суради. Унинг фикрича, "синхрон (вебинарларда) ва асинхрон (форумларда) интернет тармоқлари - ўқитувчи ва талабаларнинг мулоқот шаклидир, веб квест эса баҳс-музокаралар шакли, маслаҳатлар бериш шакли (шахсий ёзишиш усули) ҳисобланади.

Интернет фаолиятининг замонавий шакллари талабаларнинг шахсан ўзини ўзи идрок этишини таъминлайди ва ўқув жараёни давомида таълим сифатини кўтаришга хизмат қилади, "умумжаҳон интернет" ижтимоий тармоқ сифатида маълумот олишнинг ҳақиқий шаклини белгилайди ва бутун дунё бўйлаб кишиларнинг ўзаро алоқасининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

**Мақсад.** Нофилологик йўналишлардаги олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-соҳавий инглиз тилини билиш даражаси таълим жараёнидаги асосий муаммолардан бири бўлгани сабабли, улардаги тил ўрганишга бўлган иштиёқни уйғотиш ва мустақил фаолият олиб боришга кўникма

<sup>1</sup> Муханов С.А. Технология проектирования дистанционного курса "дифференциальные уравнения" с использованием LMS Moodle". / "Наука и школа" журналы, №9, 2014 й, 28-32 бетлар.

ҳосил қилишлари бугунги кун педагогининг асосий мақсадларидандир.

### Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.

Таъкидлаш керакки, инглиз тилини соҳавий ўрганиш нафақат талабалар, балки, ўқитувчилар учун ҳам ўзига хос муаммолар туғдириб келган. Жумладан, Н.В.Боброва "чет тилининг асосий тузилмаларини ўзлаштиришда вақт етишмаслиги сабабли, ўқитувчи инглиз тилини соҳавий-касбий мақсадларда ўқитишда кўплаб муаммоларга дуч келади", деб ҳисоблайди"<sup>2</sup>.

Ушбу муаммоларни ҳал қилишда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, С.Ю.Нейман фикрича, "масофавий ўқитишнинг асосий ғояси бир-биридан узоқ масофада бўлишига қарамай, талаба ва ўқитувчи ўртасида интерфаол алоқани ўрнатишдан иборат. Масофадан ўқитишни идеал ҳолда ташкил этиш нафақат билимларни узатиш имконини беради, балки ўқитиш жараёнининг масофадан туриб муваффақиятли назорат қилишни ҳам таъминлайди"<sup>3</sup>.

Муаммонинг ўрганилганлик даражасига келсак, олий таълим тизимида мустақил таълимнинг роли мавзусида мамлакатимизнинг Тошкент давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Гулистон давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети каби олий таълим муассасаларида ўрганилмоқда, масофавий таълим туридан фойдаланиб талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятини ташкил қилиш ва билимларни эгаллашларини лойиҳалаштириш Россия давлати олий таълим муассасаларида, жумладан, Л.Н.Толстой номидаги педагогика Университети (Россия), Москва Давлат Университети(МЭСИ), Умум-таълим мактаби(Пятигорск), ФГБОУ (Россия), Тамбов Давлат Университети (Россия), ривожланган хорижий мамлакатларининг етакчи университетларида, жумладан, Чикаго Университети (АҚШ, 1892 й), Мичи-

<sup>2</sup> Боброва Н.В. Трудности профильно-ориентированного обучения английскому языку в техническом вузе. / "Приволжский научный вестник" журналы, №4, 2015 й, 131-135 бетлар.

<sup>3</sup> Нейман С.Ю. Принципы построения системы дистанционного обучения иностранным языкам. / "Санкт-Петербургский образовательный вестник" журналы, №2, 2017 й, 20-27 бетлар.

ган Давлат Университети (Мичиган штати АҚШ), Майкоп Давлат Техника Университети (Майкоп), Нью Мексика Университети (Мексика), Камбридж Университети (Буюк Британия), Таиф Университети (Саудия Арабистони) каби университетларда тадқиқот ишлари олиб борилган. Лингводидактика, масофавий таълим, интенсиф ўқитиш, модуль дидактикаси, онлайн ўқитиш, дидактика асослари, чет тилларни ўқитиш муаммолари, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли каби мавзулар юзасидан Р.Р.Хусаинов, Ж.Д.Саидов, Ҳ.Т.Муҳитдинов, М.А.Бондаренко, С.А.Маркелова, Х.А.Акаева, Н.В.Баришников, С.Л.Баркова, Г.А.Краснощечекова, О.В.Кузнецова, О.В.Горбунова П.Р.Атутов, М.Н.Берулова, В.П.Тихомиров, А.Ю.Курин, З.Р.Девтерова, Э.Б.Новикова, И.М.Берман, В.В.Бовт, Борис Коста-Гуара, Б.М.Бим-Бад, С.Кара-Мурза, И.И.Сулима, Андреа Зелнер, каби олимлар шуғулланганлар ва шуғулланиб келмоқдалар.

Нофилологик йўналишлардаги олий таълим муассасаларида инглиз тили учун ажратилган соатларнинг камлиги ҳам педагогларни талабалар билан масофадан туриб қўшимча шуғулланишга ундайди. Хусусан, нофилологик йўналишларда талабаларининг касбий-соҳавий мақсадларда инглиз тилини ўрганишлари ва инглиз тили фанидан билим, кўникма ва малакаларини орттиришларида масофавий таълим тизими ягона ечим эканлиги кўплаб изланувчилар томонидан таъкидланмоқда. Ушбу мавзу юзасидан кўплаб олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилар эканмиз, олий таълимнинг тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятини шакллантиришда, ҳамда таълим муассасасини битиргач ҳам ўзлари мустақил фаолият олиб боришлари орқали билим-кўникмаларини мустаҳкамлаб ва янгилаб боришларига замин яратади. Айнан шундай мақсадларни инобатга олган ҳолда таълим жараёнини тиббиёт-фармацевтикага оид ҳаётий материаллар билан тўлдириш орқали келажакдаги тиббиёт ходимларининг самарали ва мустақил фикрлашини шакллантиришга, шахсий интеллектини ўстиришга, келажакда масъулиятли касбларда фаолият юритишлари жараёнида

мустақил фикрлаш ва мустақил фаолият олиб бориш, ҳамда масофадан туриб дунёнинг бошқа мамлакатларидаги таълим масканлари билан боғланиб ўз билим, кўникма ва малакаларини мунтазам ривожлантириб боришларига олиб келади.

**Мақоланинг илмий моҳияти.** Мақоланинг илмийлиги шундаки, тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг дарс жараёнидан ташқари мустақил фаолият олиб боришлари учун уларга қулай бўлган масофавий таълим платформасини танлаш, мавзуларни саралаб олиш ва платформада мустақил фаолият олиб бориш дидактикасини ишлаб чиқиш юзасидан муаммога илмий ёндашилган ҳолда, Тошкент фармацевтика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчилари Ф.А.Ширинова ва Ҳ.Ф.Максудовалар томонидан "English for pharmacists. Module 1: Social and Professional Interaction" номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди, 2017 ва 2019 ўқув йиллари мобайнида тажриба-синовидан ўтказилди.

Шу билан бирга, тажриба жараёнида талабаларни соҳавий инглиз тили билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда мақсадли ўқитишга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳимлиги ва бундай лойиҳалар кўпроқ онлайн ишлашга мослаштирилиши кераклиги кузатилди. Ушбу фикрларнинг далили сифатида О.В.Налиткиннинг қуйидаги фикрини ҳам келтириш мумкин: "олий таълим муассасаларининг нофилологик йўналишларида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятларини ташкил этишда интернет ресурсларини ўз ичига олган ўқув-услубий мажмуадан фойдаланиш, талабаларнинг билим даражаларини тенглаштиришга соҳавий чет тилига йўналтирилган коммуникатив компетенциясини шакллантиришга мустаҳкам замин яратади"<sup>1</sup>.

Шунингдек, П.С.Гурьяновнинг таъкидлашича, "бунда ахборот таълим технологияларидан фойдаланиш мутахассисларни юқори даражада сифатли тайёрлашга ва уларни мустақил ўқув-билув фаолиятлари давомида

<sup>1</sup> Налиткина О.В. К вопросу о разработке модели использования онлайн-компонента в организации самостоятельной работы студентов по иностранному языку в нелингвистическом вузе. / "Вестник ТГПУ" журналы, № 8, 2017 й, 15-21 бетлар.

материалларни мустақил тарзда идрок этишга ёрдам беради”<sup>1</sup>.

**Тадқиқотнинг объекти.** Масофавий таълим тизимига асосланган соҳавий чет тилини ўқитишда дастлабки эътибор берилиши керак бўлган жиҳат талабалардаги мустақил фаолиятни лойиҳалаш жараёнидир. Бунда инглиз тилини ўқитишдаги жараёни маҳсус мақсадларда йўналтирилганлиги, соҳага оид терминлар билан бойитилганлиги, соддадан мураккабликка қараб бориши, вазифаларни бир-бири билан узвий боғлиқлиги, оsonдан қийинга қараб тузиш каби тамойиллар қўйилади.

#### **Асосий қисм.**

**Модуллилик.** Масофавий таълим тизимининг асосида модулли ўқитиш принципи ётади. Ҳар бири алоҳида бўлган блоклар фан ҳақида ҳамма маълумотларни беради. Бу ҳолис тарзда ўқув курсларини ўқув режа, индивидуал ёки гуруҳли талабларга мос ҳолда тайёрлашга ёрдам беради. Шу сабабли, модуллилик принципига асосланиб тузилган “English for pharmacists. Module 1: Social and Professional Interaction” ўқув қўлланмасидан фойдаланилди. Ушбу ўқув қўлланмадан фойдаланиш инглиз тилининг 4 та нутқ фаолияти бир вақтнинг ўзида ўқитилиши ҳам самарали натижаларни бериши кузатилди.

**Moodle масофавий таълим тизими.** Ушбу онлайн таълим тизими бугунги кунда таълим учун энг қулай бўлган онлайн тизимларидан ҳисобланади. Шунинг учун Moodle масофавий таълим тизими тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг соҳавий инглиз тили билим даражаларини интенсив оширишга қаратилган таълимни масофадан лойиҳалаш учун қулай ҳисобланди. Талабалар инглиз тилидаги мустақил ишларни айнан шу онлайн таълим тизимида бажардилар. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни узвий ва доимий ушлаб туришга хизмат қилди.

Инглиз тилини соҳавий ўқитишда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш самарали ва истиқболли бўлиб, ўқув жараёни анъана-

вий таълимга нисбатан ўқувчилар учун янада қизиқарли бўлди: талаба дарсликдаги статик эскирган матнлар билан таққослаганда қизиқарли минтақавий географик ва ҳаётий материаллардан фойдаланиш учун чексиз имкониятга эга бўлди. Яна шуни айтиш керакки, интернет ёрдамида соҳага тегишли бўлган инглиз тилидаги аутентик материалларни топиш ва соҳага оид жаҳон бозорида содир бўлаётган маълумотлардан инглиз тилида хабардор бўлиш имкони яратилди, чунки илгари инглиз тилида чоп этилган газета ва журналларни топиш қийин бўлган.

**Натижалар ва амалий мисоллар.** Тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабалари ўртасида ўтказилган тажрибадан қуйидаги натижаларга эришилди:

- талабаларда мустақил фаолияти давомида Moodle масофавий таълим тизимидан кенг фойдалана олишга қаратилган самарали усуллар ишлаб чиқилди;

- тиббиёт-фармацевтик йўналиши талабалари учун таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида масофавий таълим тадбиқ қилинди ва самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди;

- масофавий таълим орқали тиббиёт-фармацевтика йўналашидаги талабаларнинг инглиз тилидаги билим даражасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар тизими тажриба-синовдан ўтказилди;

- Moodle масофавий таълим тизими муҳитида мустақил ишларни самарали ташкил қилиш ва талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини мотивациялаш орқали ривожлантириш йўллари кўрсатилди.

Шу ўринда қуйдагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

1) Make a dialogue with your friend about Tashkent pharmaceutical institute and take it into video. Please send your video through Moodle platform.

- When was The Tashkent Pharmaceutical Institute founded?

- How many departments has the institute?

- What are the key subjects?

- Where do the students hold their practical classes?

- What Society do the students take part in?

<sup>1</sup> Гурьянов П.С. Методические подходы к разработке учебных средств на основе информационных технологий для обучения специалистов фармацевтического профиля., диссертация – Пермь: «Пермская государственная фармацевтическая академия», 2009., 103 бет.



2) Write an essay about social network and sent it through Moodle platform.

- used in your country?
- Do you know benefits and drawbacks of social networks?
- Why do people need to use social networks?

3) Make a discussion with your partner, record your conversation, send through Moodle platform.

- A group of British pharmacists;
- An important Indian customer;
- Colleagues from America;
- A group of government officials from Italy;
- Colleagues from Uzbekistan.

Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, тиббиёт-фармацевтика йўналишидаги тажриба-синови сифатида танлаб олинган талабалар амалда Moodle масофавий таълим тизимидан фойдаланган ҳолда фанга тегишли бўлган мустақил ишларини бажардилар ва самарали натижаларга эришдилар. Улар Moodle масофавий таълим тизимида қуйидаги вазифаларни бажаришни ўргандилар:

- ўзларини рўйхатга олишни;
- ўз профилларини шакллантиришни;
- бир-бирлари ва ўқитувчи билан чат орқали суҳбатлашишни;
- бажарган ишларини платформа орқали жўнатишни;
- платформада ўз овозларини ёзишни;
- платформада конференциялар ташкил этишни;
- назорат ишларини бажаришни;
- видео роликларни жойлаштиришни;
- маълумотларни юклаб олишни.

Демак, булардан кўриниб турибдики, талабалар амалда бажарган вазифалари улардаги эркинликни, ижодкорликни, маълумотларни таҳлил қилишни ва ўз ишларига масъулият билан ёндашишни ўргатади. Moodle масофавий таълим тизими ўқитувчи ва талаба ўртасидаги энг қулай онлайн платформа эканлигини намоён қилинди.

**Хулоса ва таклифлар.** Таълим жараёнида интернет технологияларининг самарадорлиги талабаларнинг касбий-соҳавий билимларга эга бўлишида ва кўникмаларнинг шаклланишида намоён бўлди. Хусусан, Moodle масо-

фавий таълим тизими тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг соҳавий инглиз тили билим даражаларини интенсив оширишга қаратилган таълимни масофадан лойиҳалаш учун қулай ҳисобланди. Бунда:

- талабаларнинг фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқувчанлиги ортди;
- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги масофа қисқарди;
- фанни ўзлаштиришда узвий ва узлуксиз таълим йўлга қўйилди;
- талабаларда мустақил ўқув-билув фаолият олиб боришлари шакллантирилди.

Moodle масофавий таълим тизими воситасида ўқитиш жараёнида ҳам унинг асосига киритилган янги моделлар бўлиши мумкин. Масалан, бундай модел турлари объектга йўналтирилган моделлар ёки дизайн ва ахборот моделлари бўлиши мумкин. Айнан шу моделлар орқали форумлар, телеконференциялар, баҳс-мунозаралар, вебинарлар ўтказиш мумкин бўлади. Таълимни бундай ташкиллаштириш талабаларнинг ўзларига бўлган ишончларини орттиради ва мустақил ижодкорликка ўргатади. Бундан ташқари, ўрганилаётган тилда талабалар бир-бирлари билан жамоавий ишлаш, қўшма лойиҳаларда иштирок этиш, жамоавий қарорлар қабул қилиш ва маслаҳатлашиш шакллари ўрганадилар.

Масофавий таълим тизимининг фойдали тарафлари хусусида Dr. Ye He, "онлайн ўқитиш ва ўрганиш хар иккала тарафга фойдали бўлиб, давомийлик ва мослашувчанликни таъминлайди"<sup>1</sup> деган фикрни берган.

Тажрибадаги иштирокчилар курсдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам интернетнинг фойдали жиҳатлари ҳақида фикр юритдилар. Семестр охирида кўп қатнашчилар онлайн ўрганишнинг қўшимча фойдалари ҳақида фикр билдирдилар. Ўқитиш нуқтаи назаридан эса тажрибалар натижасида бир нечта иштирокчилар ўқитишда технологиялардан фойдаланишнинг афзалликларини таъкидлаган ҳолда, онлайн инструктор ва талаба, талаба ва талабанинг ўзаро мулоқотга киришиши

<sup>1</sup> "Universal Design for Learning in an Online Teacher Education Course: Enhancing Learners' Confidence to Teach Online", Dr. Ye He., USA., MERLOT Journal of Online Learning and Teaching., №7, 2014 у., p77-82

орқали таълим сифатини ошириш имкониятини бериши ҳақида хулосага келинди”<sup>1</sup>.

Умуман олганда, ўқув курсларини масофавий таълим тизими воситасида ташкиллаштириш талабаларни ҳар қандай вазиятда ҳам тил ўрганишга бўлган иштиёқларини ошириш, масофадан қатъий назар машғулотларни

бажаришга интилиш ва ўз интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб борадиган даражага олиб чиқиш мумкин бўлади. Албатта, ҳар бир ишда самарали натижага эришишда амалиётда қўллаш, кузатиш, натижаларни таҳлил қилиш орқалигина ютуқларни кўриш ва камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. <https://tashkenttimes.uz/finances/3020-uzbekistan-joins-27-other-countries-to-support-human-capital-project>.
2. <https://www.britishcouncil.uz/english/specific/purposes>.
3. Муханов С.А. Технология проектирования дистанционного курса “дифференциальные уравнения” с использованием LMS Moodle”. / “Наука и школа” журналы, №9, 2014 й, 28-32 бетлар.
4. Боброва Н.В. Трудности профильно-ориентированного обучения английскому языку в техническом вузе. / “Приволжский научный вестник” журналы, №4, 2015 й, 131-135 бетлар.
5. Нейман С.Ю. Принципы построения системы дистанционного обучения иностранным языкам. / “Санкт-Петербургский образовательный вестник” журналы, №2, 2017 й, 20-27 бетлар.
6. Налиткина О.В. К вопросу о разработке модели использования онлайн-компонента в организации самостоятельной работы студентов по иностранному языку в нелингвистическом вузе. / “Вестник ТГПУ” журналы, № 8, 2017 й, 15-21 бетлар.
7. Гурьянов П.С. Методические подходы к разработке учебных средств на основе информационных технологий для обучения специалистов фармацевтического профиля., диссертация – Пермь: «Пермская государственная фармацевтическая академия», 2009., 103 бет.
8. “Universal Design for Learning in an Online Teacher Education Course: Enhancing Learners` Confidence to Teach Online”., Dr. Ye He., USA., MERLOT Journal of Online Learning and Teaching., №7, 2014 у., p 77-82.

<sup>1</sup> “Universal Design for Learning in an Online Teacher Education Course: Enhancing Learners` Confidence to Teach Online”., Dr. Ye He., USA., MERLOT Journal of Online Learning and Teaching., №7, 2014 у., p. 77-82.